O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 27 сентябрь ЧОРШАНБА

№ 78 (11.881)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Ифтихор*

**Шу кунларда мустақил Ўзбекистонимиз, унинг халқаро майдондаги ўрни ва обрў-эътиборини намойиш этаётган оламшумул воқеаларни кузатиб туриб, қалбимизда фахрланиш туйғусини ҳис этамиз.**

Сўнгги ўн беш йил давомида амалга оширилган ишлар кўлами таърифу тавсифга сиғмайди. Шу йилларда аввало инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг юксак қадрият ҳисобланган жамиятимиз истиқболи йўлида бир қатор умуммиллий дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурларининг ижроси ўз



## КЎҲНА ЭДИ, ЗАМОНАВИЙ БЎЛДИ

самарасини кўрсатмоқда.

Вилоятимизнинг шаҳар, туман ва қишлоқларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари фикримизнинг исботидир. Қибрай тумани халқ таълими бўлимига қарашли 27-умумтаълим мактабининг бугунги қиёфаси Чинобод қишлоғи чиройини очиб юборганлиги шубҳасиз.

— Мактабимиз 1921 йили ташкил этилган, — дейди директор ўринбосари Адҳам Қурбонов. — Шу чоққача бирон марта дурустроқ таъмирланмаган эди. Истиқлол шарофати билан юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини биз ўз мактабимиз мисолида кўриб турибмиз. Ўзим шу мактабда ўқиганман. Қирқ йилдан буён бунақа ҳаяжонни ҳис этмаган эдим. Бундай кошонада, замонавий жиҳозлар билан таъминланган билим даргоҳида энди фарзандларимиз, невараларимиз ўқийди. Келажак авлод тарбиясига ва халқ таълими тизимига катта эътибор берилар экан, мамлакатимиз келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Ҳақиқатан ҳам шу йил

(Давоми 2-бетда).



*СУРАТЛАРДА: ўқувчилар дарс пайтида; истиқлол фарзандлари.*

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хоним 26 сентябрь куни пойтахтимиздаги "SOS – Ўзбекистон болалар маҳалласи" билан танишди.**

Бу ерда болаларга яратилган шарт-шароит меҳмонда катта таассурот қолдирди. У Ўзбекистонда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни комил инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади. Болалар ижро этган қўшиқ ва рақсларни қизиқиб томоша қилди, уларнинг яшаш шароити билан танишди.

SOS Kinderdorf International Ўзбекистонда 1997 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ўша йили "SOS – Ўзбекистон болалар маҳалласи" уюшмаси ташкил этилган. Унинг асосий мақсади қаровчисини йўқотган болаларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборатдир.

Айни пайтда "SOS – Ўзбекистон болалар маҳалласи"даги 14 оилада юз нафар бола тарбияланмоқда.

Хан Мёнг Сук Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлиб, халқимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қилувчи экспозиция билан танишди.

Шу куни Корея Республикаси Бош вазири Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмон қадим шаҳардаги Гўри Амир мақбараси билан танишар экан, унинг қурилиши ва меъморий ечимига алоҳида эътибор қаратди.

Корея Республикаси Бош вазирида Регистон майдонида жойлашган Тиллакори, Улуғбек ва Шердор мадрасалари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмон, шунингдек, Бибихоним масжиди, Афросиёб музейи, ҳазрати Дониёр мақбараси ва Улуғбек расадхонасини томоша қилди.

– Самарқанднинг тарихий обидалари менда унутилмас таассурот уйғотди. Уларнинг ҳар бирини юртингизнинг буюк тарихи, аждодларингизнинг улкан маданий ва илмий салоҳиятига қўйилган боқий ҳайкал дейиш мумкин, – деди Хан Мёнг Сук хоним.

Шу билан Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сукнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**ЎзА.**

*Вилоят ҳокимлигида*

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят назорат идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссияларининг раислари, Ангрен шаҳар бўйича ҳудудий комиссия аъзолари иштирок этишди. Йиғилишни вилоят комиссиясининг раиси, вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев бошқарди.**

## ТАРТИБ ВА МАСЪУЛИЯТ УСТУВОРЛИГИДА

Назорат қилувчи идоралар томонидан биринчи ярим йилликда ўтказилган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари кўриб чиқилди. Бу масала бўйича вилоят комиссияси раисининг ўринбосари Н. Эрбековнинг ахбороти тингланди. Таъкидландики, ҳисобот даврида текширишларни тартибга солишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш давом этди. Хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлар барҳам топаётир. Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари манфаатларини кўзлаб, уларни қўллаб-қувватлаш, текширишларни қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил этиш ва ўтказиш кучайди.

Бунда текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар, тадбиркорлар учун ташкил этилаётган ўқув машғулотлар, ҳудудий комиссияларда айрим назорат идораларининг фаолиятини таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилаётганлиги муҳим ўрин тутмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти ва иқтисодий билим даражаси оширилиши текширишлар батартиб ўтишига хизмат қилаётганини ҳам кўрсатиб ўтишди.

Лекин муҳокама чоғида маълум бўлдики, айрим назорат идораларининг ходимлари ҳамон текширишлар китобини тўлдиришда камчиликларга йўл қўймоқдалар. Шу боис текширишларни рўйхатга олиш китобларини тўғри ва аниқ тўлдирмаганлиги учун ҳисобот даврида 4 мансабдор шахсга ҳайфсан берилиб, 5 текширувчи ёзма равишда огоҳлантирилган.

Вилоят бўйича ўтказилган текширишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 фоиз камайган. Лекин йиғилишда бунинг акси бўлган ҳолатлар ҳам тилга олинди. Чунончи, Давлат техника назоратининг вилоят инспекцияси шу муддатда текширишларни 9 тага, «Ўзавтодарётранс» агентлигининг вилоят бўлими 6 тага кўпайтирган.

Йиғилишда текширишларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш борасида Ангрен шаҳар ҳудудий комиссияси олиб бораётган ишлар ҳам кўриб чиқилди. Шаҳар ҳокими, ҳудудий комиссия раиси А. Юнусовнинг ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди. Ҳудудий комиссиянинг текширишларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари ва Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси билан боғлиқ ишларни лозим даражада ташкил этмаганлиги таъкидланди.

Йиғилиш вилоят ҳудудий комиссияси фаолиятига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

**Тошкентда 25 сентябрдан 29 сентябрга қадар учинчи марта "InfoCom – 2006" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. У мамлакатимиз ва хориж компанияларининг ютуқларини намойиш этиш ҳамда турли соҳаларда АКТни қўллаш масалаларини муҳокама қилишга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олади.**

Ҳафталикни АКТ бўйича тўртинчи миллий саммит очиб беради ва у икки кун давом этади. Саммитнинг ялпи ва гуруҳ мажлисларида Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришдаги асосий ютуқлар ва бу борадаги муаммолар кўриб чиқилади. Улар орасида эркин ва очиқ дастурий таъминот, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, технопарклар яратиш, АКТни давлат бошқарувида қўллаш ҳамда электрон тижорат, таълим ва соғлиқни сақлаш, ахборот ресурсларини ривожлантириш ва АКТдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари бор. Муҳокама натижалари бўйича саммит қатнашчилари, анъанага кўра, Ўзбекистонда АКТни ривожлантириш тўғрисида резолюция қабул қилади.

АКТ ҳафталиги доирасидаги яна бир муҳим воқеа "ICTExpo – 2006" ахборот технологиялари биринчи миллий кўргазмаси бўлади. Кўргазма ахборот технологиялари соҳасида мамлакатимиз ютуқлари кўригига айланади ва Ўзбекистонда АКТ соҳасида ўтказилган энг катта кўргазма бўлади. Кўргазманинг 70 дан ортиқ иштирокчиси 1000 квадрат метр майдонда 300 дан ортиқ ишлаб чиқарувчининг маҳсулотлари ва ечимларини тақдим этади. Кўргазма дастурига давра суҳбатлари ва семинарлар, компьютер ўйинлари бўйича турнир, клавиатурани отиш бўйича мусобақа ва мамлакатимиз биринчи Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказининг тақдимот маросими ҳам киритилган.

**ЎзА.**

## ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

**Зангиота туманидаги 40-умумтаълим мактабида жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берувчи спорт зали бунёд этилди.**

Унда кийим алмаштириш, ювиниш ҳамда инвентарлар учун махсус хоналар мавжуд. Қурилиш-монтаж ишларига 117 миллион сўм маблағ сарфланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими эса 7,8 миллион сўмлик спорт анжомлари тақдим этди. Эндиликда ўқувчилар исталган спорт турлари билан бемалол шуғулланишлари мумкин.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ЕРЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ – 3 ФАЗА

**Мамлакатимизда "ЕвропЭйд" (ТАСИС) дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳа ана шундай номланади. Ўзбекистон ер захиралари, геодезия, катрография ва давлат кадастри қўмитасидан маълум қилишларича, мазкур лойиҳа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ўрнатиш йўли билан бозор иқтисодиётига ўтишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.**

Қўмита раҳбари Абдували Абдуазизовнинг таъкидлашича "Ерларни рўхатга олиш" лойиҳасининг учинчи фазаси Нидерландиянинг "DHV DV" компанияси томонидан амалга оширилади.

Учта асосий компонентдан иборат бўлган мазкур лойиҳа 2007 йилнинг декабрь ойида якунланади.

**«Туркистон-пресс».**

*Пахта – 2006*

## ОҚИЛОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

**Вилоят ҳокимининг шу йил 11 сентябрдаги «2006 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан ва қисқа муддатларда йиғиб-териб олишнинг ташкилий жиҳатлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида махсус комиссия тузилиб, теримда юксак уюшқоқлик кўрсатиб, энг юқори ўсишга эришаётган туман, ширкат ҳамда фермер хўжаликларини ўн кунликлар якуни бўйича аниқлаб, моддий рағбатлантириб бориш режалаштирилган эди.**

22 сентябрь куни бўлиб ўтган вилоят комиссияси йиғилишида биринчи ўн кунлик якунлари юзасидан мусобақа шартларининг бажарилиши бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар тақдим этган тавсиялар ҳар томонлама кўриб чиқилди ва саккизта йўналиш бўйича мусобақа ғолиблари аниқланиб, номлари эълон қилинди.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси тайёрлаш бўйича вилоятда карвонбошилик қилаётган Чиноз туманига комиссия қарори билан рангли телевизор совға қилинадиган бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларда бораётган Қуйичирчиқ ҳамда Ўртачирчиқ туманларига эса тегишлича видеомагнитофон ва гилам топширилади.

Куни кеча шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган Чиноз туманидаги «Эшонобод» хўжалиги ширкатлар орасида биринчи ўн кунлик ғолиби ҳамда рангли телевизор соҳиби бўлди. Шунингдек, терим суръати бўйича пешқадамлик қилаётган Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ва «Қорасув» ширкат хўжаликлари тегишлича видеомагнитофон ва гилам билан тақдирланади.

Фермер хўжаликлари йўналиши бўйича мусобақанинг учта совринли ўринлари эгалари ҳам аниқланди. Қуйичирчиқ туманидаги «Зангор» фермер хўжалигига ғолиб сифатида рангли телевизор ажратилди. Бўка туманидаги «Омонбоқи» ва Оққўрғон туманидаги «Дилшод» фермер хўжаликларига тегишлича видеомагнитофон ва гилам ҳадя этилади.

## «ЭШОНОБОД»: ЎН КУН КИФОЯ ҚИЛДИ

**Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги деҳқонлари давлат эҳтиёжлари учун пахта етказиб бериш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб адо этдилар. 406 гектар майдонда ҳосил етиштирилиб, бугунгача қабул пунктларига қарийб 1200 тонна хом ашё етказиб берилди.**

Эшонободликлар муваффақияти замирида аввало, тармоқда тўпланган катта тажриба, шу билан бирга юксак ташкилотчилик мужассам. Шу боис улар ҳамиша зиммаларидаги масъулиятли вазифани вилоятда биринчи бўлиб уддалашга эришаётирлар. Бу йил ҳам анъана такрорланди. Умумий ҳосилдорлик 30 центнерданга тўғри келди. Марра забт этилиши учун эса 10 иш куни кифоя қилди.

— Ҳосил вақтида ва сифатли йиғиштириб олингани учун 100 фоиз биринчи навга қабул қилинди, — дейди ширкат хўжалиги бошқарув раиси Кенбой Куккузов. — Бу албатта, пировард даромаднинг ортиши, тер тўкиб меҳнат қилган деҳқон манфаатининг юксалиши, деганидир. Айниқса, Абдухолиқ Тиллабоев, Эдил Бойжигитов, Ўринбой Абдулаҳадов каби тажрибали бош пудратчиларимиз етиштирган ҳосил салмоқли бўлди. Улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказишди.

Хўжалик пахтазорларида ҳосил мўл. Улар куч ва имкониятларини чамалаб, давлатга қўшимча 350 тонна пахта сотишни мақсад қилишган.

Шунингдек, тумандаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳам зафар қучдилар. Жами 335 гектар майдонда ҳосил етиштирган пахтакорларнинг туман хирмонига қўшган ҳиссаси 1100 тоннадан ошди.

— Ҳосилимизнинг 600 тоннаси уруғликдир, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдусамад Акромов. — Пахтамизнинг қолган қисмини ҳам биринчи навга сотдик. Аксарият пудратчиларимиз гектаридан 32-34 центнердан ошириб хирмон уйдилар.

— Мавсумда алоҳида ўрнак кўрсатаётган терим иштирокчилари мунтазам рағбатлантириб келинаётгани айни муддао бўлди, — дейди бош пудратчи Раим Ҳасанов. — Энг яхши пудратчиларимиз 100 мингдан 300 минг сўмгача пул мукофотлари, фаол механизаторлар ва илғор теримчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Бу иш унуми ва сифатининг ошишига хизмат қилди.

Хўжалик аъзолари қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиштириб олиб, кузги-қишки агротехник юмушларни ҳам кечиктирмай ўтказиш ниятидалар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Пахта – 2006*




Ҳосил йиғим-терими уюшқоқлик билан бораётган туманларда илғор пахтакорлар ва фаол теримчиларни мунтазам рағбатлантириб бориш, улар ҳузурида турфа маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар уюштиришга катта эътибор берилмоқда.

Куни кеча навбатдаги тадбир Янгийўл туманида бўлиб ўтди. Унда мавсумда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ теримчиларга Янгийўл тиббиёт касб-ҳунар коллежи томонидан эсдалик совғалари ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

*СУРАТДА: илғор теримчиларни тақдирлаш пайтида.*

**Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.**

## ТЕРИМЧИЛАРГА ДОРИ-ДАРМОН

***Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши раҳбарияти, Қизил Ярим ой жамияти, «Соғлом авлод» ва «Наврўз» жамғармалари вилоят бўлимлари ҳамкорлигида Ўртачирчиқ тумани пахтакорлари билан учрашув ўтказилди.***

Зокир Пўлатов раҳбарлигидаги фермер хўжалигида меҳнат қилаётган Роватак маҳалласи, «Порлоқ» фермер хўжалигида пахта тераётган қайтмаслик пахтакорлар махсус жиҳозланган микроавтобусда тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур дори-дармонлар тарқатилди. Шунингдек, илғор теримчиларга совға-саломлар топширилди.

*Экология ва иқтисод*

# ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

## ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдалидир

Саноат ҳамда маиший чиқиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва йўқ қилиш масаласи бугунги куннинг долзарб экологик муаммоларидан бири сифатида алоҳида эътибор талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»-ги Қонунининг асл мақсад ва вазифалари чиқиндиларнинг инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва ундан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат.

«Экосан» халқаро ташкилоти томонидан «Экология ва саломатлик кунлари»нинг иккинчи босқич тадбирларига асосан ушбу қонуннинг бажарилишига бағишланган жамоат тинглови ўтказилди. Тадбирда Олий Мажлиснинг Сенатининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Республика Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, шаҳар ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, жамоат ташкилотлари, «Махсустранс» ва санитария-эпидемиология хизматлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, аҳолининг ўсиши, шаҳар ва қўрғонлар, саноат ва маиший корхоналарнинг ривожланиши чиқиндиларнинг кескин кўпайишига олиб келмоқда. Шунингдек, ягона бошқарув стратегиясининг йўқлиги натижасида чиқиндиларни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш ва мониторинг ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда камчиликлар учраб турибди. Маълумотларга қараганда, ҳар йили республикамизда 100 миллион тонна саноат чиқиндилари ҳосил бўлади. Улардан атиги 0,2 фоизидан қайта ишлаш йўли билан фойдаланилади. Қолган қисми эса чиқиндихоналарда йиғилади. Ҳозир ушбу чиқинди омборлари 10 минг гектар майдонни эгаллаб турибди. Ҳар йили ҳосил бўладиган 13 миллион куб метр қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 26 фоизи махсус жойларга чиқариб ташланиб, кўмилади. Бу турдаги чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш яхши йўлга қўйилмаётганлиги, уларнинг тўпланиб қолиши, чиқиндихоналарнинг кўпи керагича жиҳозланмаганлиги, техник ва экологик талабларга жавоб бермаслиги экологик ва эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашувига, ер ости ва усти сувларининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

— 1969 йилдан буён Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис ишлаб чиқариш корхонасида сульфат ангидриди чиқиндисидан йилига 360 минг тонна миқдорда сульфат кислотаси олинмоқда, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Ҳаитқулов жамоат тингловидаги маърузасида. — Илгари ушбу заҳарли газ тозаланмасдан атмосфера ҳавосига ташланар эди. Бунинг оқибатида Олмалиқ шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқ ҳавосининг мусаффолигига катта зарар етарди. Ҳозир бу ерда атмосферага чиқаётган сульфат ангидридни тутиб қолиш технологиясини қуришни охирига етказиш кўзда тутилган. Аммо, маблағ йўқлиги сабабли қурилиш ишлари тўхтаб турибди.

Ҳозирги пайтда вилоятда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 13 та полигони мавжуд. Уларнинг майдони 89,7 гектар бўлиб, 18 минг 62 тонна маиший чиқинди жойлаштирилган. 3407 гектар майдонни эгаллаган 14 та полигон саноат чиқиндилари учун ажратилган бўлиб, уларда 102 минг 86 тонна саноат чиқиндилари ҳамда 929 минг 440 тонна иккиламчи ресурслар жойлаштирилган. Шу билан бирга чиқиндиларни қайта ишлаб, иккиламчи фойдаланиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаяпти. Зарарсизлантирилган саноат чиқиндилари ҳажми йилига 170 минг тоннани ташкил этмоқда. Масалан, «Ўзбекметаллургия кобинати»нинг околин ва газ тозалашдан чиққан шлаклари Бекобод ҳамда Навоий шаҳарларидаги цемент заводларида хом ашё сифатида ишлатилмоқда. Янги Ангрен ва Ангрен ИЭС ларида ҳосил бўлаётган шлакли кулларидан қайта фойдаланиш масалалари ечимини топмоқда. «Оҳангароншифер» заводининг азбозурит чиқиндилари ҳамда Ўртачирчиқдаги флюоритни бойитиш фабрикасидаги шлаклар қурилиш индустриясида фойдаланилмоқда. Саноат чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда «Саноатқалинқоғозсавдо» жамияти томонидан қоғоз чиқиндиларидан картонли буюмлар тайёрланиши ҳамда Янгийўл шаҳридаги «Авесто-Шамс» хусусий фирмасининг ташаббуси билан полимер материаллар чиқиндиларидан елим маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бераяпти.

Кўриниб турибдики, чиқиндиларни қайта ишлаб, иккиламчи маҳсулотларга айлантириш ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

*2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили*




Ангрен шаҳрининг Янгиобод қўрғонида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Бу ерда шифохона, қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. Айниқса, туну кун тиним билмайдиган «Тез ёрдам» хизматидан аҳоли мамнун.

Ана шундай шифокорлардан бири Аҳмадали Бобокалоновдир. У 32 йилдан буён Янгиобод қўрғони «Тез ёрдам» хизматида ишлаб, аҳолининг дардига дармон бўлаётир.

***СУРАТДА:*** *шифокор А. Бобокалонов сафарга отланмоқда.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ҒОЛИБЛАР ҲАҚҚОНИЙ ТАНЛАНДИ

## дейишди вилоят, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўловчилар ташишни ташкил этиш учун ўтказилган очиқ тендер иштирокчилари

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги тендер муҳокамасига 17 та йўналиш қўйилди. Улардан нақ 14 тасига биттадан ортиқ талабгор топилмади. Бунинг натижасида, ушбу йўналишлар тендер низоми шартларига мос келадиган талабгорларга топширилди. Жумладан, Янгийўл шаҳридаги «Автохизмат» масъулияти чекланган жамияти 221-, 279-, 286-, 292- ҳамда 300-йўналишларнинг эгаси бўлди. «Чуқурсой-авто» корхонаси очиқ акциядорлик жамиятига эса 451- ҳамда 452-сонли йўналишлар топширилди. Шунингдек, Янгийўл шаҳридаги «Автомобилчи» масъулияти чекланган жамияти ҳам икки йўналишни ютиб олди.

228- ҳамда 233-йўналишларга тўрттадан талабгор чиқди. Биринчи йўналиш бўйича Янгийўл туманидаги «Ҳамкор-сервис» хусусий корхонасининг қўли баланд келди. «Бизнес авто сервис» МЧЖ кейинги йўналишда хизмат кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Истардикки, тендер ғолиблари келгусида ўз таклифларида собит қолишса, талаб ва таклиф мутаносиблиги-ю, қонун-қоидаларга амал қилишса. Акс ҳолда мониторинг давомида қонун доирасидан оғганликлари ҳамда нотўғри хатти-ҳаракатлари шундоққина сув юзига қалқиб чиқиши мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**

*Қарор ва ижро*

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАР ДОИМ ҲАМ ҲАҚ... ЭМАС

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўзининг мазмун-моҳияти, долзарблиги билан бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чунки, электр энергиясидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кундан-кун ортиб, истеъмолчилар сони ҳам бетўхтов ўсиб бормоқда.**

Қарорга асосан, электр энергияси бўйича дебиторлик ва муддати ўтган дебиторлик қарзларни қисқартириш вазифалари солиқ тизими ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Вилоят давлат солиқ бошқармаси шўъба мудири О. Қодиров билан вилоят солиқ бошқармаси томонидан қарор ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Электр энергияси бўйича дебиторлик ва муддати ўтган дебиторлик қарзларни қисқартириш борасида солиқ идоралари томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида олиб борилган ишлар натижасида вилоят бўйича электр энергиясидан тушумлар 2005 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди.

Қарорда солиқ идоралари зиммасига юклатилган вазифалардан бири корхоналарнинг муддати ўтган дебитор қарзларини тугатишдир. Шу вазифа ижроси юзасидан жойлардаги электр тармоқлари корхоналари томонидан 958 та истеъмолчининг 4,3 миллиард сўмлик қарзлари юзасидан реестрлар олиниб, шулардан 44 фоиз истеъмолчидан ихтиёрий равишда 0,5 миллиард сўм миқдоридаги қарзлар ундирилди. Қолган 56 фоиз корхонанинг 3,8 миллиард сўм қарзи юзасидан хўжалик судига тегишли ҳужжатлар тақдим этилиб, 401 истеъмолчининг 3,6 миллиард сўмлик қарзлари бўйича чиқарилган суд буйруқлари уларнинг мол-мулклари ҳисобидан ундириш учун жойлардаги суд ижрочилари департаментларига юборилди.

Шу йилнинг ўтган даврида солиқ идоралари томонидан ўтказилган ўрганишлар ва текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхона ва ташкилотлар электр энергиясидан ҳамон ноқонуний фойдаланмоқдалар, электр таъминоти корхоналарининг мутасадди ходимлари томонидан бу ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаётир.

**— Ана шу корхоналар ва уларга нисбатан кўрилган чоралар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Солиқ идоралари томонидан Янгийўл шаҳар электр тармоқлари корхонаси фаолияти ўганилганда, кўплаб савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, жумладан, «Истимтур» фирмасига қарашли «Голден палас» ресторани, «София-Тимич» ва «Иқбол хаз» хусусий фирмалари билан шартномалар тузмасдан, электр энергияси учун нақд пул ундирилаётганлиги аниқланди. 60 дан ортиқ ташкилотлар, шу жумладан, 4 та АЁҚШ, «Зуҳра» қаҳвахонаси, «Дельфин» ва «777» ошхоналари, «Йўлдош ота», «Афросиёб» ресторанлари, «Таганка» пивохонаси, «Юнител» компаниясига қарашли реклама кўргазмалари ўрнатилган. Лекин шаҳар электр тармоқлари корхонаси тунги реклама кўргазмалари юзасидан атиги 2 корхона билан шартнома тузган, холос. Бу каби камчиликларни ушбу ҳудудда кўплаб келтириш мумкин.

Чора кўриш масаласига келсак, юқоридаги ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонуний чора кўриш учун тақдим этилди.

**— Бундай ҳолатлар яна такрорланмаслиги, қарор талабларига риоя қилмаслик ҳоллари юз бермаслиги учун яна қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда?**

— Бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги ва келгусида истеъмолчилар қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланишларини тарғибот ва ташвиқот қилиш мақсадида солиқ идоралари вазиятни оммавий ахборот воситалари орқали ёритишга ҳаракат қилмоқда ҳамда вилоятнинг барча ҳудудларида истеъмолчилар иштирокида мунтазам семинар-йиғилишлар ўтказмоқда.

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи Бахтиёр АЗИМОВ суҳбатлашди.**

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

***Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 августда имзоланган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Зеро, миллий ғоя халқни – халқ, миллатни – миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан кўрсатиб турадиган маёқ бўлса, маънавият юрт мустақиллиги ва тараққиётининг пойдеворидир.

Тошкент автомобиль-йўллар институтида ушбу олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА ижодий жамоаси вакилларининг учрашувида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди.

Сўзга чиққанлар халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятларига, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига эътиборни кучайтириш, ёшларимизнинг онгини заҳарлашга йўналтирилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш зарурати бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этаётганига эътибор қаратдилар.

**ЎзА.**

*Ифтихор*

# КЎҲНА ЭДИ, ЗАМОНАВИЙ БЎЛДИ



...қурилиб, ишга туширилган янги икки қаватли бино, қайта реконструкция қилинган, замонавий эшик-ромлар ўрнатилган эски мактаб биноси аввалгисидан тубдан фарқ қилишидан миннатдор ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар билан суҳбатлашиш нақадар мароқли. Ортиқча таърифу тавсифдан кўра, уларнинг дил изҳорларини келтиришни лозим кўрдик.

— Мактаб қурилишига 408 миллион, мана бу катта спорт залига 117 миллион сўм ажратилган, — дейди мактаб директори Эркин Исаматов. — Халқ таълими вазирлиги, туман ҳокимлиги, ҳомийлар ёрдами туфайли қисқа муддатда мактаб бугунги кўринишга эга бўлди. Айниқса, кластер синфлари ва ахборот-ресурс марказининг ташкил этилиши қишлоғимиз болалари учун катта байрам туҳфаси бўлди. Ўқувчилар кенг, ёруғ, озода синфларда ўқиш билан бирга интернетга уланган компьютерлардан фойдаланиб, жаҳон таълим андозаларига мос билим ва тажрибага эга бўладилар. Осиё тараққиёт банки ёрдамида келтирилаётган замонавий синф жиҳозлари, компьютерларни кўриб, кўз қувнайди. Уларни асраб-авайлаш эса ҳар бир ўқувчию ўқитувчи зиммасидаги улкан масъулиятдир.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шу ўринда ўз ишини сидқидилдан бажараётган қурувчилар, «Маҳбуба-Йўлдош» фирмаси директори Ғафур Сатторов бошчилигидаги ишчиларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

— Ўттиз беш йилдан буён қурувчилик касбида ишлаб келяпман, — дейди қурувчи Толиб Мирзалиев. — Уч ўғлим ҳам менинг касбимни танлашган. Ҳозир мактабнинг томини тўлиқ ёпиб бўлдик. Энди атрофини чиройли панжаралар билан ўраб бермоқчимиз.

— Мактабимизнинг бугунги қиёфасини ҳақиқий мўъжиза десак арзийди, — дейди директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Моҳира Абдуазимова. — Шу ўринда кечани кеча, кундузни кундуз демай, қурувчилар билан тенгма тенг ишлаган, меҳнат таътилини ҳам шу ерда ўтказган фидойи ўқитувчиларимизни номма-ном айтиб ўтмоқчи эдим. Адҳам Қурбонов, Тоҳир Буванов, Дониёр Ҳалимбоев, Махсума Расулматова, Гулчеҳра Қоратоева, Мавлуда Жуматоева, Тамара Шекшуева шулар жумласидандир. Ҳозир ўттиз битта синфда 905 нафар ўқувчига 40 нафар фидойи ўқитувчи дарс беряпти. Авваллари синф хоналари етишмас, ҳатто, икки смена оралиғида ҳам дарс ўтиларди. Ҳозир эса, бу муаммолар тўлиқ ҳал этилди.

Кекса устоз, адабиёт ўқитувчиси Асил Мусаматовнинг фарзандлари Нигора, Гавҳар, Шаҳноза, Гулнозалар мактабнинг энг фаол ўқитувчиларидан. Ўқитувчилар сулоласининг сардори Асил ота етти фарзандининг беш нафари ўқитувчиликни танлаганидан беҳад хурсанд. «Юрт юкини кўтарганлар асло кам бўлмайди», дейди ота ғурур билан.

— Мактабимизнинг аҳил жамоаси, фидойи ўқитувчилари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Дилнора Солиева. — Ўзим шу мактабда ўқидим. Устозларимга ҳавас қилиб, ўқитувчиликни танладим. Мана, сал кам 30 йилдан буён шу қадрдон гўшани иккинчи уйим, дея меҳр қўйиб ишлаб келаяпман. Мактабимиздан чиққан таниқли олимлар, фан арбоблари, тиббиёт соҳасининг билимдонлари бизнинг фахримиз, ғуруримиздир. Айниқса, спорт соҳасига катта эътибор қаратилиб, шундай шароитлар яратиб берилаётганлиги қувончли. Футбол, кураш, қўл жанги, каратэ спорт турлари болаларнинг жону дили. Бобур Раҳматов, Абдужалил Орипов каби ўқитувчиларимиз қўл жанги бўйича, Нуриддин Ҳусанов эса каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Келажакда чемпионлар сафи бундан ҳам ортади деган умиддамиз.

— Нимасини айтасиз, — дейди Акром ота Саидазимов. — Ўғил-қизларимиз, невараларимизнинг ўқимишли, билимдон бўлишлари учун яратиб қўйилган шароитларни кўриб ҳавасим келади. Уларнинг келажаги ишончли қўлларда эканлигига шубҳа йўқ. Энди фақат ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш керак, мустақил юртимизнинг эртаси учун бор куч-қудратини аямай меҳнат қилишларини фарзандларимизга уқтиришимиз лозим.

**Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:*** *27-умумтаълим мактабининг янги биноси.*

*Тадбир*



**Яхши сўз, яхши қўшиқ қудрати дилларимизга ёруғлик уруғини сочиб келган ва доимо шундай бўлиб қолиши муқаррар. Зеро, сўз қудрати, қўшиқ ва куйнинг жозибаси ёрдамида амалга оширилган ишлар ҳеч қачон беиз кетмайди.**

# ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

Маданият ва маърифат тизимлари ходимлари халқимизнинг мақсад ва муддаоларини ифодалашга, унинг руҳини кўтариб, қийин дамларда суянч ва таянч бўлишга сафарбар этилганлардан эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Юқоричирчиқ туманидаги Болта қишлоғида «Маънавият ва маърифат» маркази, Маданият ва спорт бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ногиронлар жамияти вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



Учрашувни «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Суяржон Қурбонқулов бошқарди. Шу куни вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари, «Шош наволари» ашула ва рақс дастаси ҳамда «Ўзбекнаво» бирлашмаси «Лазги» ашула ва рақс халқ ансамбли хонандаларининг яратувчан меҳнатни шарафловчи, инсонларни, она Ватанни асрашга ва унинг мустақиллигини кўз қорачиғидек авайлашга даъват этувчи қўшиқлари янгради.

Меҳнатда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ёшлар тадбир ҳомийларининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *анжуман жараёнидан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ХИТОЙНИНГ ТЕХНИКА КЎРГАЗМАСИ

***Бугун Тошкентда Хитой муҳандислик-техника кўргазмаси очилди. Тадбир ХХР тижорат вазирлиги ташаббусига кўра, Ўзбекистон Ташқи иқтиосдий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, республика савдо-саноат палатаси ҳамда "Ўзэкспомарказ" ҳамкорлигида ўтказилмоқда.***

Кўргазманинг асосий мақсади – Хитой билан Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Хитой худди шундай кўргазмаларни Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Бразилия ва Венгрияда ўтказган эди. Пойтахтимизда ўтказилаётган ушбу тадбир технологияларининг Марказий Осиё минтақасидаги биринчи кўргазмасидир.

**«Туркистон-пресс».**

*Нишондорларимиз*



**Инсон боласи униб-ўсиб, ҳаёт сўқмоғидаги турли синовлардан ўтиб, эртанги куни учун мустаҳкам пойдевор қуриб боради. Зеро, ҳар ким ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолишини истайди. Бахтли ҳаёт кечириш учун интилади, изланади. Ўзгалар дардига малҳам бўлиб яшайди.**

# ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ БАХТИ

Ўн олти йилдирки, Рисолат Зиёева бутун куч-ғайратини маҳалла ишига бағишлаб келади. Зангиота тумани Эшонгузар шаҳарчасидаги Дўстлик маҳалласида дастлаб хотин-қизлар масалалари бўйича масъул, 2000 йилдан эса, раислик қилиб келади. Маҳалланинг бундай номланиши бежиз эмас. Бу ҳудудда ўзбек, рус, қозоқ, татар, корейс, уйғур, турк ва бошқа миллат вакиллари бўлган бир ярим мингдан зиёд аҳоли ўзаро аҳил-иноқликда истиқомат қилади.

— Мустақиллик йилларида юз бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришлар ҳаётимда муҳим бурилиш ясади, — дейди раис. — Айниқса, ўз-ўзини бошқариш органларига берилаётган кенг ваколатлар туфайли миллий қадриятларимиз, шунингдек, ҳар бир миллат вакилларининг муқаддас анъаналари, урф-одатлари қайта тикланмоқда. Кейинги йилларда кишилар онгидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий қарашлар тубдан ўзгарди. Уларда янгича фикрлаш, иш юритиш кўникмалари ошди.

Ҳаёт ўзининг пасту баланди, турли синоатлари билан қизиқ. Ҳар бир инсоннинг кўнглини олиш, уларга муайян ёрдам кўрсатиш, яхши-ёмон кунларида қувонч ва дардларига, ташвишларига шерик бўлиш катта масъулият юклайди. Раис, дастлаб, маҳаллада ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга эътиборни қаратди. Маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан бирқанча тадбирларни йўлга қўйди. Инсон қадр-қиммати, унинг шаънини улуғлаш, оила бирдамлигини мустаҳкамлаш ва бошқа эзгу ишларга бошқош бўлди. Ҳар бир масалани пухта ўрганиб, оқилона хулоса чиқарарди. Ҳаёт тажрибасига эга онахонлар билан бамаслаҳат оила, қайнона-келин муносабатлари, қолаверса, турмушдаги муаммоларни омилкорлик билан ҳал этишга интилди. Мана шу изланувчанлиги, қатъийлиги туфайли маҳалла аҳлининг ишончини қозонди.

Бу жонкуяр етакчи ўзининг уддабуронлиги, маҳаллада мавжуд муаммоларни усталик билан ҳал қила олиши билан ўрнак бўлмоқда. 2002 йили ўтказилган «Маҳалла жонкуяри» танловининг республика босқичида ғолиб чиқди. 2005 йили аёллар ўртасида соғлом муҳитни таркиб топтириш, уларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш йўлидаги хизматлари учун унга республика Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи топширилди. Бу эътибор раисга янги куч бағишлади.

— Ёшликда шифокор бўлишни орзу қилгандим, — дейди Рисолат опа. — Мактабни аъло баҳоларга битирганимда математика фанига бўлган иштиёқим устун келиб, Тошкент давлат университетининг механика-математика факультетида таҳсил олдим. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг математика кафедрасида эҳтимоллар назариясидан талабаларга дарс бердим. Ҳозир ўнлаб шогирдларим халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Рисолат Зиёева бугунги кунда нафақат маҳаллада, балки «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимида ҳам изчил фаолият юритмоқда. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ, барча миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, дўстлик муносабатларини ривожлантиришдаги катта хизматлари ҳамда бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати, юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

— Юртбошимизнинг бундай юксак ишончларини маҳалламиз қўмитаси аъзолари ва фаолларимизнинг камтарона меҳнатларига берилган баҳо сифатида қабул қилдик, — деди Рисолат Зиёева. — Маҳалламиз, умуман эл-юртга хизмат қилиш бахти бизга ҳамиша мадад бағишлайди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Ғаллачилик*

# ДАЛАЛАРГА РИЗҚ СОЧИЛМОҚДА

**Деҳқончиликда ҳар юмушнинг мақбул палласи, вақти-соати бор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кузнинг илиқ-иссиқ кунларида, ерни обитобига келтириб экиб олинган буғдой соғлом униб чиқади, мустаҳкам илдиз отади, қишнинг қор-қировли кунларида нобуд бўлмайди.**

Вилоятимиз ғаллакорлари ҳам айни қулай фурсатдан фойдаланиб, кузги дон экишни бошлаб юбордилар. Жами 115 минг гектар сувли ҳамда 14,5 минг гектар лалми майдонга вилоятимиз шароитида синовдан яхши ўтган маҳаллий навлар экилмоқда. Тошкент, Чиноз, Қибрай туманларида бугунгача ғалла учун ажратилган майдонларнинг 55-60 фоизига уруғлик сочилди.

Ғаллакорлар мавжуд куч-имконият ва қулай об-ҳаво шароитидан унумли фойдаланиб, ғаллани 20 октябргача экиб олишни режалаштирганлар.



***СУРАТДА:** паркентлик ғаллакорлар дон экилган майдонларга сув тараш пайтида.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

*Саломат бўлинг*

# БОТУЛИЗМ ХАВФЛИМИ?

***Ёз-куз ойларида ҳар бир уй бекаси қишда дастурхонини безаш учун мева компотлари, бодринг, помидор ва қўзиқорин консервалари, турли-туман шарбатлар, маринадлар тайёрлайди. Бу неъматлар инсон учун зарур бўлган витаминлар манбаидир.***

Афсуски, кейинги йилларда хонадонларда консерваланган маҳсулотлардан заҳарланиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Ботулизм лотинча — «колбаса» сўзидан олинган бўлиб, кўпгина сифатсиз, бузилган колбасалар истеъмол қилганда келиб чиқади. Ботулин заҳри биологик фаоллик жиҳатидан бошқа микроблар токсинидан ўта заҳарлидир. 0,035 миллиграмми одамни нобуд қилиши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларига ботулизм қўзғатувчилари турли йўллар билан тушиши мумкин. Масалан, гўшт ва балиққа уларни сўйиш ва нимталаш пайтида тери ва ичакларидан, мева-сабзавот ва қўзиқорингa тупроқдан ўтади.

Тайёрланаётган маҳсулот (консерва ва маринадлар)ни қайта ишлаш жараёнида унга тушган ботулизм қўзғатувчилари ҳамма вақт ҳам кирилиб кетмайди. Айниқса, ботулизм қўзғатувчиларининг споралари юқори даражадаги ҳароратга ўта чидамли бўлади. Маҳсулотга тушган қўзғатувчилар ва споралар кислородсиз, қулай шароит яратилгандан кейин 22-37 даража иссиқликда кўпайиб, ўзидан токсин ажратади. Фақат 10 фоизли ош тузи эритмаси ва 55 фоиздан юқори шакарли муҳитда токсин ишлаб чиқариш тўхтайди. Мева-сабзавотли ва қўзиқоринли консервалар тайёрлашда унга сирка кислотаси қўшиш ҳам ботулизмдан сақланиш омилидир. Чунки, кислотали муҳитда ҳам қўзғатувчилар кўпайишига шароит бўлмайди.

Ботулизм токсинлари билан зарарланган маҳсулотни истеъмол қилганда касаллик аломатлари 2-3 соат, баъзи



ҳолларда эса, 1-2 кундан кейин бошланади. Ошқозон беҳузурлиги, қусиш, кучли бош оғриғи, оғиз бўшлиғи ва томоқнинг қуриши, кўз хиралашиши ва барча жисмларнинг иккита бўлиб кўриниши, қовоқлар тушиб кетиши, ютиниш ҳамда чайнашнинг қийинлашиши каби белгилар пайдо бўлади. Кейинчалик, асаб тизими зарарланганлиги учун беморнинг чайқалиб юриши, гапиришнинг қийинлашиши, ҳатто, гапира олмаслик каби симптомлар кузатилади.

Бундай ҳолларда беморга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиб, ботулизм турига қараб, касалликка қарши зардоб белгиланса, унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Ботулизмдан заҳарланишнинг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш лозим. Уй шароитида консервалар тайёрлашда орасталик қоидаларига, стерилизация режимларига тўлиқ риоя этиш, консервация учун фақат сифатли маҳсулотлар ишлатиш ҳамда уларни яхшилаб оқар сувда ювиш зарур. Шунингдек, тайёр бўлган консерваларни ҳарорат 10 даражадан юқори бўлмаган салқин жойда сақлаш керак. Идишнинг қопқоғи кўтарилиб қолган, ишлаб чиқарилган жойи ва вақти кўрсатилмаган, этикеткаси бўлмаган мева-сабзавот ва қўзиқоринли консерваларни бозорлардан ва кўчадаги номаълум шахслардан харид қилманг.

Сотувдаги териси шикастланган ва офтобда қолган балиқларни умуман истеъмол қилмаган маъқул. Уй шароитида билиб-билмасдан консерваларни тайёрламаслик керак.

Юқорида келтирилган шартларга тўла риоя қилинган тақдирдагина ўзимизни ботулизм касаллигидан сақлаган бўламиз.

**Абдураҳмон ИСМОИЛОВ, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.**

*«01» – огоҳлантиради*

***Оз муддатдан сўнг хазонрезлик бошланади. Бу эса кўчаларда, даҳаларда, очиқ майдонларда қуриган барглар, шох-шаббаларнинг йиғилишига сабаб бўлади. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилади, шунингдек, атрофдаги кишилар саломатлигига ҳам путур етади. Жойларда ўз вақтида олиб кетилмаган хазон ва ахлатларни ёқиш ҳоллари ёнғинлар кўпайишига олиб келади.***

# ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЮТАДИ

Ҳозирги кунда бизни ташвишга солаётган асосий муаммолардан бири газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлаётган ёнғинлардир. 2006 йилнинг етти ойи мобайнида вилоятимизда содир бўлган 915 та ёнғиннинг 662 таси фуқароларнинг туражойларига тўғри келади. Бу ёнғинларда 14 киши ҳалок бўлиб, 53 киши турли тан жароҳати олди.



Фақатгина газ асбоб-ускуналарининг нотўғри қурилиши ёки ўрнатилиши ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши сабабли 211 та ёнғин содир бўлди.

Масалан, Олмалиқ шаҳар Чўлпон кўчасидаги фуқаро И. Масодиқовга қарашли 92-уйда газ ускунасини ишлатиш қоидаларини бузиш оқибатида ёнғин содир бўлди.

Ўртачирчиқ тумани, А. Икромов номли ширкат хўжалиги, Қозоқ-овул маҳалласида истиқомат қилувчи Б. Фармоновга қарашли уйда газ печи мўрисининг носозлиги оқибатида ошхона шифти ёнган.

Ёнғин билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, ёнғинларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида Тошкент вилояти ёнғин хавфсизлиги бошқармаси яна бир бор эслатади:

— газ билан иситиладиган печларнинг соз ҳолда бўлишини мунтазам равишда назорат қилиб туринг, тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг;

— ясама ва носоз бўлган иситиш мосламаларидан умуман фойдаланманг;

— газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишониб топширманг, иложи борича уларни уйда ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилинг;

— газ мосламаларига резина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланманг;

— агар газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идоралари ходимларидан рухсат олиб, мутахассислар орқали амалга оширинг.

**Б. СОДИҚОВА, вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори.**

*Табиат ва биз*

***Табиатнинг барқарор гуллаб-яшнаши, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан доимо мусаффо бўлиши, аввало ўзимизга боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, табиатни авайлаб асраш, уни ҳар жиҳатдан оқилона муҳофаза қилишда, беистисно, барча фуқаро масъулдир. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг жойлардаги тизимлари бу соҳада ўз зиммасига юклатилган вазифани қай даражада бажараяпти? Ангрен шаҳар табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитасининг бош мутахассиси Бакир Расулов билан шу ҳақда фикрлашдик.***

# ҲАМ ТИББИЙ, ҲАМ МОДДИЙ ЗАРАР

**— Бакир Раҳимович, кўпчилигимиз экология, экологик маданият тўғрисида гапирамиз-у, лекин бу сўзларнинг мағзини чақишда баъзан нўноқлик қиламиз. Суҳбатимиз аввалида газетхонларимиз учун шу тушунчаларга изоҳ бериб ўтсангиз.**

— Атроф-муҳитнинг озодалиги саломатлигимизнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Экология грекча «экос» ва «логос» сўзларидан олинган бўлиб, уй, тураржой маъноларини англатади. Одамлар, ўсимлик ва ҳайвонот организмларининг улар яшайдиган атроф-муҳит билан муносабатларини ўргатади. Бизни ўраб турган яшиллик олами, дарёлар, тоғлар, чўллар, боғлар, осмон, ҳаво, ер ва сув бир-бири билан боғлиқ ҳолатда табиатнинг яхлитлигини таъминлайди. Агар денгизлар, дарёлар, дарахтлар ва ўсимликлар бўлмаганда миллион йиллар давомида ер юзида ҳосил бўлган кислород захиралари жуда қисқа вақтда тугаган бўлар эди. Айнан шу манбалар инсон фаолияти натижасида йўқолиб бораётган кислород захирасини мунтазам равишда тўлдириб туради. Бундан кўриниб турибдики, теварак-атрофимиздаги барча нарсаларнинг турмушда ўз роли ва ўз ўрни бор.

Аммо кейинги вақтларда борлиқни табиий мувозанатда сақлаш долзарб муаммога айланмоқда. Бунинг олдини олиш учун биринчи навбатда атмосферага кўп миқдорда зарарли моддалар чиқарувчи корхоналар бу моддаларни ушлаб қолувчи мосламалардан сўзсиз фойдаланишлари лозим. Ангрен ҳудудида Ангрен ИЭСи, Янги-Ангрен ИЭСи ҳамда кўмир кони ҳавзаси шундай тоифадаги корхоналар тизимига киради. Ҳар бир корхонада оқаваларни тозалаш иншоотлари самарали ишлаши талаб этилади.

**— Соҳага оид қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Уларнинг мақсад ва моҳияти, амалдаги ижроси ҳақида нима дея оласиз?**

— Халқимиз соғлиги экологик вазиятнинг барқарорлиги ва атроф-муҳитнинг тозалигига боғлиқлиги сабабли ҳукуматимиз бу масалага жиддий эътибор бермоқда. Олий Мажлис томонидан табиатни муҳофаза қилишга оид муҳим қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар табиий муҳит шароитларини сақлаш, ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Уларнинг мақсади — инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланиши, экология тизимлари, табиат мажмуалари ва объектлар муҳофаза қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборат.

Конституциянинг 50-моддасида — «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб белгилаб қўйилган. Бу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, экологик муаммоларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади. Экологиянинг мазмун ва моҳиятини чуқур тушунган ҳолда иш юритишга имконият яратади. Мазкур қонунлар ва қарорларни барчамиз яхши тушуниб олишимиз ва шунга амал қилган ҳолда иш юритишимиз шарт. Улар ижросини таъминласак, яъни табиат қонунлари билан амалда ҳисоблашсак, табиат ўз бойликларини инсонларга туҳфа этаверади.

**— Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларга риоя қилмаётган мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам учраб туради, албатта. Уларга нисбатан қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Қонун ва қарорлар ижросини назорат қилиш, экология, табиатга зарар келтираётган шахсларга нисбатан қонуний жазо чораларини қўллаш вазифалари қўмита зиммасига юклатилган. Қўмита томонидан қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш учун кескин чоралар кўрилмоқда. Масалан, заҳарли газларни атмосферага чиқаришга оид ПДВ-меъёрий ҳужжати белгиланган муддатда расмийлаштирилмаганлиги ва махсус рухсатнома олинмаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 85-моддаси 1-қисмига асосан бир қатор корхоналарнинг табиат муҳофазаси учун масъул бўлган ходимларига жарима солинади. Сув олиш ва ташлаш тартибини бузганликлари учун ушбу кодекснинг 75-моддаси 1-қисми билан ҳам масъул бўлган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилмоқда. Шунингдек, йўл қўйилган маъмурий қонунбузарликлар ва ўз вазифаларига совуққон муносабатда бўлганликлари учун айрим корхоналарнинг мансабдор шахслари жарима тўлашга мажбур бўлишяпти.

Ачинарлиси шундаки, корхоналар ва уй-жой мулкдорлар ширкатлари раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раисларининг атроф-муҳитни тоза тутиш, дарахтларни асраб-авайлаш, чиқиндихоналарни тоза ҳолда сақлашни таъминлаш ишларига панжа ортидан қараб, масъулиятсизликка йўл қўяётганликлари оқибатида табиатга зарар етказилмоқда. Жумладан, йилнинг ўтган даврида шундай ҳолатлар учун шаҳар прокуратураси билан биргаликда 21 та маҳалла қўмиталари раҳбарлари, ширкатлар раисларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо барчамиз бир нарсани тушунишимиз керакки, табиатга бешафқат муносабатда бўлиш — бу жиноят.

**— Ҳудудда атроф-муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш борасида қўмита томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Бу борада нозирларимиз хўжалик юритувчи субъектлар билан амалий иш олиб бормоқда. Биринчи ярим йилликда корхоналардан 184,4 миллион сўм қоплама тўловлари ундирилиб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғармасига ўтказилди. Афсуски, бу мажбурий тўловларни ҳам белгиланган муддатларда тўламасдан, масъулиятсизликка йўл қўяётган корхона раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Масалан, қарздор бўлиб қолган «Кўмир» АЖга қарашли «Ангрен кўмир кони», «Иссиқлик манбаи», «Резинотехника» корхоналарига нисбатан иш қўзғатилиб, ҳужжатлар хўжалик судига ўтказилди. Шу билан биргаликда, қоплама тўловларини пайсалга солиб келаётган «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Янгиобод «Сувоқава» корхонаси раҳбарларига нисбатан ҳам чоралар кўрилиши муқаррар.

**— Куз фаслининг бошланиши билан жойларда хазон ва чиқиндиларнинг кўпайиши табиий. Бу масала юзасидан қандай чора-тадбирлар белгиланаяпти?**

— Маълумки, табиатнинг ўпкаси ҳисобланган дарахт ва ўсимликлар атмосфера хавосининг мусаффолигини таъминлашда асосий роль ўйнайди. Ҳар бир дарахт ёз мавсумида ўртача бир килограмм чангни ўзида ушлаб қолади. Куз ойида барглар хазонга айланиб, ерга тушади. Корхона, муассаса, уй-жой ширкатлари ва маҳалла қўмиталарига уларни йиғиб, махсус ажратилган ерларга жойлаштириш вазифаси қўйилган ва бу масала назорат остига олинган. Чунки ёқиб юборилган хазон таркибидаги заҳарли газлар инсон организмига ўтиб, турли касалликлар келтириб чиқаради.

Кўча-кўйларда, идораларда бинокорлик материаллари чиқиндиларини тўплаш, очиқ аланга олдириб, баргларни ёқиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 88-моддасига мувофиқ жарима чоралари қўлланилади.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.**

*Шарҳловчи минбари*

# ЯПОНИЯНИНГ ЯНГИ БОШ ВАЗИРИ

**2001 йилнинг апрелидан буён ҳукуматни бошқариб келган Жунъичиро Коидзуми истеъфога чиқди. Либерал-демократик партия раиси Синдзо Абэ мамлакатнинг янги Бош вазири этиб сайланди. Парламент қуйи палатасининг 476 депутатидан 339 нафари Синдзо Абэни ёқлаб овоз берди.**

1955 йилдан буён Япониянинг Комэйто партияси билан ҳамкорликда ҳукуматни бошқариб келаётган либерал-демократлар парламентнинг икки палатасида ҳам мустаҳкам мавқега эга. Синдзо Абэ, гарчи бунинг аҳамияти катта бўлмаса-да, парламентнинг юқори палатасида ўтказиладиган сайловда ҳам ишончли ғалабага эришиши тахмин этилаётир. Конституцияга биноан, ҳукумат раҳбарини сайлашда қуйи палата асосий ваколатга эга орган саналади.



Синдзо Абэнинг асосий рақиби бўлмиш демократик партия раҳбари Итиро Одзаву учун қуйи палатанинг 115 депутати овоз берди.

Давлат бошқарувининг ҳозирги тизими Японияда XIX аср охирларида қабул қилинган. Шундан буён 57 киши мамлакат ҳукумати раҳбари лавозимига сайланган. 1954 йил таваллуд топган Синдзо Абэ улар орасида энг ёши ва иккинчи жаҳон урушидан сўнг туғилган илк ҳукумат раҳбари саналади. Янги Бош вазирни миллатпарвар ва сиёсий масалаларда қатъиққўл дейишади.

Синдзо Абэ 1945 йилдан кейин қабул қилинган конституция қайта кўриб чиқилиши лозим, деб ҳисоблайди. Айни пайтда, унинг таъкидлашича, Япония иккинчи жаҳон уруши даврида содир этган жиноятлари учун кечирим сўрашни бас қилиши керак. Бош вазирнинг фикрича, ташқи ишлар соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири қўшни Хитой ва Жанубий Корея билан яхши алоқаларни йўлга қўйишдир.

Айни пайтда янги ҳукумат таркиби эълон қилиниши кутилаётир. Унинг таркибига Комэйто партияси вакили ҳам киритилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакат ташқи ишлар вазири 66 ёшли Таро Асо ўз вазифасида қолиши аниқ. Чунки унинг қарашлари кўп жиҳатдан янги Бош вазирнинг қарашлари билан бир хил.

**Орифжон ТУРОПОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

## «СТРОИТЕЛЬ» – КУБОК СОҲИБИ

***Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида футзал бўйича ўтказилган "Кучлилар кубоги"мусобақаси якунланди.***

Учинчи маротаба ташкил этилган турнирнинг финал учрашувида мамлакат чемпиони – "Ардус" (Тошкент) ва Зарафшоннинг "Строитель" жамоаси ўзаро куч синашди. Беллашувнинг асосий вақтида кучлар тенг келди ва 2:2 ҳисоби қайд этилди. Ғолибни аниқлаш учун ўтказилган пенальтилар сериясида 3:2 ҳисобида зафар қучган зарафшонлик футзалчилар бош совринни қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун ўтказилган баҳсда Андижоннинг "Турон-Солиқчи" жамоаси "Автомобилист" (Чирчиқ) футзалчиларини 9:5 ҳисобида доғда қолдирди.

## ТОШКЕНТ – ЯНА МЕЗБОН

***Юртимиз ҳар йили кўплаб нуфузли спорт мусобақаларига мезбонлик қилади. Бундай тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилиши Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига йирик спорт марказларидан бири сифатида танитди.***

Халқаро самбо федерацияси мамлакатимизнинг йирик анжуманларни ташкил этиш борасидаги бой тажрибаси ва имкониятларини инобатга олиб, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда жанговар самбо ва фахрийлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Жорий йилнинг 29 сентябрь – 3 октябрь кунлари пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида ўтказиладиган ушбу чемпионатда дунёнинг ўттиз уч мамлакатидан тўрт юз нафар энг сара самбо устаси ғолиблик учун куч синашади.

Жаҳон чемпионатида жанговар самбо бўйича юртимиз шарафини тўққиз нафар спортчимиз ҳимоя қилса, фахрийлар ўртасидаги беллашувларда олти спортчимиз гиламга чиқади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## РУСЛАННИНГ РАҚИБИ КИМ?



***Оғир вазнда рингга чиқадиган профессионал боксчимиз Руслан Чагаев ўзининг навбатдаги учрашувини супер оғир вазн тоифасидаги собиқ жаҳон чемпиони Жон Руисга қарши ўтказиши режалаштирилмоқда.***

24 октябрь куни Германиянинг Штуттгард шаҳрида профессионал бокс жанглари бўлиб ўтади. Ҳозирга қадар 22 учрашувда иштирок этиб, унинг 21 тасида ғалаба қозонган Руслан Чагаев шу куни америкалик Жон Руисга қарши рингга чиқиши мумкин. Лекин собиқ жаҳон чемпионининг ҳуқуқшуноси учрашувни 18 ноябрга кўчиришни сўраб мурожаат қилган.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

### Китобингизни ўқидим

**Юртимиз тунларини ҳеч кузатганмисиз? Кун ботиб, қоронғулик тушар-тушмас кундузнинг ҳасратлари тугаб, шоду хуррамлик бошланади. Қуриган ўт, хашак ва кечки гулларнинг мулойим ҳиди атрофни тутиб кетади. Қоронғуликда ҳамма нарса кўринади-ю, лекин нарсаларнинг ранги ва суратини аниқ билиб бўлмайди.**




## «ПАРВОЗ ЭТАР ОЗОД ҚУШИМ»

Ой чиққанида эса, тун оқара бошлайди. Қоронғулик бироз чекинади. Ҳаво тиниқ, илиқ, ҳаммаёқ ойдин, ҳатто йўл бўйидаги дарахтларнинг шохлари ҳам равшан кўринади. Қаердандир уйқусираган қушнинг овози келади. Осмон мулойим, гўзал ва хумор юлдузли кўзларини қисиб, ўзи томон имлагандек бўлади. Унинг эркалашларидан кишининг боши айланади. Бу гўзалликда ғашлик ва ташвиш бор, изтироб ва соғинч бор, қувонч қуюни остида туннинг ўзига хос сирли ноласи бор. Ана шунда кўнгилга ажойиб фикрлар кела бошлайди. Кўнглинг гупуриб, шеър ўқигинг, ўз-ўзинг билан дардлашгинг келади. Бу бесаранжомликнинг ҳосиласи эса, шеъриятга ошуфталикдир.

*Висолга чанқоқ дилим,*
*ишқингизда ёнаман.*
*Тун пардасин йиртгали*
*гўёки тонг қичқирар.*

Бу сатрлар бекободлик шоир Ашурали Боймуроднинг куни кеча босмадан чиққан («Меҳр», «Янги авлод» нашриёти, 2006 йил) сайланмасидан олинди.

«Ашуралининг илк шеърларига бундан йигирма бир йил аввал «Тошкент ҳақиқати» газетасида «Оқ йўл» тилаган эдим. Ўтган йиллар мобайнида у кўп изланди. Нафақат шеъриятда, балки бошқа жанрларда ҳам унумли қалам тебратишга ҳаракат қилди», деб эслайди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али «Меҳр» китобига ёзган сўзбошисида.

Бекободнинг баҳорёзини, куз-қишини қабоғига жойлаб, қалбига осмон ва ер оралиғини киритиб, ижод қилаётган шоирларимиздан бири ҳам Ашурали Боймуроддир. Унинг шеърларида янграган илҳом ҳайқириқлари, юрак жозибалари, ловуллаган шеърлари умрининг, тақдирининг сарҳисоби бўлса, ажабмас.

*Ҳовучингда ҳосил*
*чўғи қуюқроқ,*
*Юрт кўксига олтин*
*сочар далалар.*
*Шу Ватаннинг*
*кузидан ҳам буюкроқ,*
*Қўшиқ йўқдир,*
*йўқдир шодон яллалар.*

Бу сатрлар Ватанни алқаш, унга садоқат рамзи бўлса,

*Мен эгасиз қолган*
*уйга сўйладим,*
*Ҳасратларим тўкиб*
*солдим, куйладим.*
*Қари тутга боқиб,*
*Сизни ўйладим:*
*Бормисиз, ҳой,*
*болалигим қушлари.*

Бу энди болаликни қўмсаш ҳақида.

*Мен кетурман,*
*сен қолурсан, ёр,*
*Ўртамизда ҳижрондир*
*сарҳад.*
*Йиллар ўтар,*
*чорлайди бизни,*
*Севги деган буюклик*
*фақат.*

Бу албатта муҳаббат шевасининг рангин нурларидир.

Мумтоз шеъриятимизнинг қутлуғ нафасларидан баҳраманд бўлган шоир кўнгилнинг йиғлашини (дарё), ёрнинг ғанийликдан мағрурлигини (дунё) тимсолларда ифодалашга уринади ва аксарият мақсадга эришади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ашуралининг шеърлари гоҳ Бекободнинг шамоллари каби тўпори ва аёвсиз, гоҳо Сирдарё сувларидек сокин, беозор. У Ватан, юрт ва одамлар ҳақида тўлиб-тўлқинланиб сўз айтади. Зеро, Ашурали Боймуроднинг «Меҳр» мажмуаси ўз умрининг 50-довонини қаршилаётган шоирнинг қалб кечинмалари, унинг ҳаётдан розилиги, шира бойлаб бораётган шеъриятининг ўзига хос янгиланиши десак, янглишмаган бўламиз. Зеро, унинг ижодига энг холис баҳони шеърият мухлислари беради.

**Шавкат ТУРОБ.**

### Шундан кейин

#### ТЕМИРТАННИНГ АРИ КЎЗЛАРИ

Мексикалик олимлар озуқа излаётган ариларнинг хатти-ҳаракатини эслатувчи услуб кўмагида роботларнинг уч ўлчамли кўриш қобилиятини такомиллаштириш ниятидалар.

Гап шундаки, бу ҳашаротлар гули чаман очилган жойни топгач, инига қайтиб алоҳида рақс тушади ва шу тариқа топилмадан қолганларни огоҳ этади. Роботлар нигоҳи эса икки камерадан фойдаланиш ва улардан олинган тасвирларни таҳлил этишга асосланган. Яъни, виртуал «айғоқчилар» машинага тасвирнинг нисбатан қизиқ жойларини кўрсатадилар, шундан сўнг «тўпловчи ари»лар бу жойлар ҳақида муфассал маълумот тўплайди. Тадқиқот пайтида 8000 виртуал «айғоқчи» ва 32000 «тўпловчи»дан фойдаланилди.

#### НОРАСИДА ГИЕҲВАНД

АҚШнинг Монтана штатида истиқомат қилувчи Жессика Дарэм исмли аёл ўзининг бир ярим ёшли қизига чилим орқали марихуана чектиргани учун жазога ҳукм қилинди.

Гўдакнинг онаси марихуанани чекиш «қизимнинг иштаҳасини очиб, уни анча тинчлантирарди», - дейишдан нарига ўтмаяпти.

#### НОВЧА АЁЛ ЭГИЗ ТУҒАДИМИ?

Америкалик олимлар олиб бораётган тадқиқотлар натижалари новча аёлларнинг бўйи ва эгизаклар туғилиши ўртасида чиндан ҳам боғлиқлик борлигини тасдиқламоқда.

Бу боғлиқликни, олимларнинг фикрича, ўсишнинг инсулинсифат омиллари гуруҳига кирувчи гармонларнинг қўшалоқ таъсири билан изоҳлаш мумкин.

#### РАДИОТЎЛҚИН ОВЧИЛАРИ

Япония ўз ҳарбий ҳаво кучлари учун янги ракеталар яратиш ниятида.

Бўлажак ракеталар радарлар, алоқа тизимлари ва бошқа радиоэлектрон ускуналардан таралаётган нурланишга йўналтирилади. Ракеталарнинг ўзи радиотўлқинлар тарқатмаслиги боис уларни топиш ва уриб тушириш амри маҳол бўлади.

#### ИНТЕРНЕТГА ЙЎЛ

Ҳиндистоннинг қишлоқ ҳудудларида 100 мингга яқин компьютер дўкончалари пайдо бўлиши кутилмоқда.

Улар деҳқонларнинг интернет билан боғланишини таъминлаб беради. Ушбу лойиҳанинг дастлабки босқичини амалга ошириш учун мамлакат фан ва ахборот технологиялари вазирлиги 1,3 миллиард доллар маблағ сарфламоқда.

## МУТОЛАА БАЙРАМИ – 2006

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ўтказилган галдаги "Мутолаа байрами – 2006" тадбири ҳам китобхонларни, энг биринчи навбатда ёшларимиз орасида мутолаа маданиятини юксалтириш, ноширлик фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисини янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш, ахборот олишнинг янгича усуллари билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.***

Тадбирда сўзга чиққан таниқли олим ва ёзувчилар бугунги кунда нашр этилаётган китобларнинг аҳамияти, долзарблиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлашди. "Ўзбекистон: инсон омилига сармоя, таълим соҳасида ҳамкорлик" китоби эса муҳим таҳлилий тадқиқот, дея эътироф этилди. Шунингдек, тадбир доирасида "Ўзбекистон китобат тарихи", "Китоб: асрлар оша абадият сари" мавзуидаги китоблар кўргазмаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги электрон ресурслари тақдимоти ҳам ўтказилди.

"Мутолаа байрами – 2006" тадбири доирасида етук маданият ва санъат арбоблари, машҳур шоир ва ёзувчилар билан учрашув, давра суҳбатлари, мутолаа маданиятини, китобхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш усул ва услубларига бағишланган анжуманлар, жумладан, китоб ярмаркаси ва адабиётларнинг очиқ кўргазмалари, дарслик, журнал, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумот базаларининг тақдимоти ўтказилади.

**«Туркистон-пресс».**

## БОЛАЛАРНИНГ БЕҒУБОР НИГОҲИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида "Беғубор нигоҳ" мавзуида кўргазма очилди. У Тошкент Фотосуратлар уйи, Виктор Гюго номидаги Француз маданият маркази ҳамда Франциянинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Кўргазманинг биринчи бўлимида бухоролик ўқувчиларнинг атроф-олам, табиат, миллий урф-одатлар ва анъаналар, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзига оид фото ишлари акс эттирилган. Иккинчи қисмида эса қорақалпоғистонлик ёш ижодкорларнинг рангтасвир асарлари билан танишиш мумкин.

Ижодий ишлар айнан болалар томонидан тайёрлангани бежиз эмас. Зеро, болалик инсон умрининг энг беғубор фасли. Мазкур кўргазма ҳам бутун борлиқ ва атроф-оламни болаларнинг содда, самимий ва беғубор нигоҳи билан кўришга, идрок этишга ундайди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Турмуш чорраҳаларида



## БАХТ ЭШИГИ

Умримиз давомида билиб-билмай гуноҳ ишларга қўл урамиз. Бировнинг дилини оғритамиз, кимнингдир дардини оламга достон қилиб ёямиз. Қарз олиб, қайтаришга оғринамиз. Яна кимдир бинойидек оиласи, фарзандлари бўла туриб, кўнгил майлига қул бўлади.

Бир аёлни биламан. Покдомонлик билан яшаб ўтди. Унинг бир гапи ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди:

— Қизларим, бойлик кетидан қувманглар. Чунки, бойлик ҳам, мансаб ҳам ўткинчи. Қиз бола учун биринчи ўринда оила қуриш, ширин-ширин фарзандлар ўстиришдир, — сўнг пешвоз чиққан фарзандларини кўрсатиб: — Мана менинг бойликларим, орзу-ҳавас ва бахтим шулар, — дея ич-ичидан севинарди. У ўзининг босиб ўтган ҳаёт йўлини гапириб берган эди.

...Кўз очиб кўрган биринчи турмушдоши вафот этгач, пешонасига битилган тақдирми — хотини қазо қилган, фарзандлари бор бир киши билан турмуш қуради. Бироқ у кишининг болалари Жаннат опани она сифатида қабул қилмади. Ҳатто бошқа хотин олгани учун оталарини ҳам ёмон кўриб қолишди. Она эрта баҳордан то қор ёққунча даладан бери келмасди. Ғўза чопар, камига ўзларининг боғлари ва экинларини парвариш қилиб, қоронғу тушганда уйига кириб келарди.

Қиш кунлари эса, болалар ўгай оналарини роса хўрлашарди. Молларни суғориш, ем-хашак бериш, тагини тозалаш, ҳовли супуриш, кир ювиш каби ҳамма юмуш Жаннат опанинг зиммасида эди. Унга ҳеч ким ёрдам бермасди.

Жаннат опа ҳаммасига чидади.

Кетма-кет фарзандлар кўрди. Уларни не-не қийинчиликлар билан вояга етказди.

Орадан йиллар ўтиб, фарзандларнинг ҳаммаси улғайиб, уйли-жойли бўлишди. Жаннат опанинг турмушдоши қаттиқ бетоб бўлиб, ётиб қолди. Фарзандлар оталарининг жонига оро киришмади. Шундай кунларнинг бирида ота фарзандларини кўргиси келиб, чақиртирди. Лекин улар кўргани келишмади. Шунда ота: «Майли, ҳозир мени кўргиси келмаётган бўлса, қиёматда кўришамиз», дея хўрсиниб, Жаннат опанинг қўлида жон берди.

Ёшлари катта бўлгани сайин оталарини тушуниб етган фарзандлари энди афсус чекишарди. Ўша пайтда ота учун, оила учун аёл киши кераклигини энди англаган болаларнинг кўзлари жуда кеч очилди.

Кейинчалик фарзандлари фақат Жаннат опага суянадиган бўлиб қолишди, уни ҳам ота, ҳам она деб бошларига кўтарадиган бўлишди. Чунки ўгай оналаридан ёмонлик кўришмаган эдида.

Жаннат опа фарзандларига шундай васият қилади:

— Болаларим, бу дунёда бир-бирингиз билан аҳил бўлинглар, ҳаром йўл билан бойлик орттирманглар. Ҳамма нарсанинг пешона тери билан топилгани юқади. Бирор йиғинга борганингизда ҳам аввало, фарзандлар нечта бўлди, катта бўлиб қолгандир, деб сўрашади. Уй-жой, бойлик ҳақида сўрашмайди. Шунинг учун ҳам менинг бу дунёда орттирган бойлигим — сизлар, кўзимнинг оқу қораларисиз!

Инсон бу дунёда нима учун яшайди? Албатта, ўзидан зурриёд орттириб, умри давомида йиққанини шуларга қолдириш учун яшайди. Ҳаётнинг қизиғи ҳам шунда. Буни буюк бахт, деб билиш керак.

**Лутфиниса ОДИЛОВА.**

### Интермедия



(Гоҳ-гоҳ учраб турадиган ҳодиса)

Катта бир идоранинг олди. Асад чеккароқдаги курсида ўтирибди. Биқинида портфели. У асабийлашиб, дамба-дам соатига қарайди.

Очил кўринади. У Асаднинг ёнига келиб томоқ қиради. Ҳазиллашади.

**Очил:** Соатингиз неча бўлди, тоға? (Асад ошнасини кўриб илжаяди).

**Асад:** Кампир қувлайдиган вақт бўлди, бобо! (Улар қучоқлашиб кўришадилар). — Э, бормисан, жўра! Бир улфат тополмай гаранг бўлиб ўтирувдим. Сени вақтида етказди.

**Очил:** Сўфи азон айтмасдан, нима қилиб ўтирибсан? Ҳали хўжайиннинг келадиган вақти бўлгани йўқ.

**Асад:** Сен қаёқдан биласан?

**Очил:** (керилиб) Биламиз-да, биз жаноб Бегалиевни кутиб олавериб, кузатиб қўявериб, пишиб кетганмиз. У киши эртага курортга кетаяптилар. Кеча дала-ҳовлида базми жамшид бўлган. Бошлари оғриб, бемалол келадилар.

**Асад:** Э, шунинг учун экан-да, менга соат ўнга бир келиб кетинг, дегандилар.

**Очил:** Олиб келдингми?

**Асад:** Мана, бир йиллик отчётни олиб келдим...

**Очил:** Вой, пишмаган хом калла-я! Бегалиев бу қоғозларингга бурнини ҳам артмайди. (паст товушда). Соат ўнда келинг, деганини, кўкидан ўнта обкелинг, дегани. Мана, менга соат ўн бешга дедилар. Ўзимизнинг қизилдан бир дастасини етаклаб келиб турибман. Тушундингми, овсар?

**Асад:** Тушунмадим... Шунча қизилини, ё кўкини қайдан топаман?

**Очил:** Топасан. Молингни сотасан, машинангни сотасан. Ходимлардан йиғасан, қарз оласан, ишқилиб «соатни» ўн қиласан. Бўлмаса, жойни бўшатасан. Энди тушунгандирсан, аммамнинг бузоғи!

**Асад:** (эсанкираб) Ҳм... Тушундим... Соат ўнда... кўкидан ўн дона... Унда мен ғир этиб божамникига бориб келай. Заправкада ишлайди. Қора кунга асраб қўйгани бордир, қарзга сўраб тураман.

**Очил:** Тез кел! Мен ҳув анави ерда чой ичиб ўтираман. Асад — Бегалиевни ясат! (Асад кетади).

Қабулхона. Котиба қиз ўзига оро бериб ўтирибди. Асад билан Очил киради. Очил котибага хушомад қилади, шоколад беради.

**Очил:** Озодахон, жанг бошланганми, дейман, а?

**Котиба:** (кулиб) Ҳм, бошланди.

**Очил:** Рингда ким экан?

**Котиба:** «Гулистон»нинг раиси Юнусов.

**Очил:** Ў-ў! Юнусов ўлгудай қурумсоқ. Такадан сут, пашшадан асал тилайди. Тоза калтак ейдиган бўпти-да. Нокаут бўлиб кетмаса эди... Қани, бир мўралай-чи. (Очил эшикни қия очиб, ичкарига мўралайди. Кабинетда Бегалиев билан Юнусовнинг даҳанаки жанги бўлаётир).

**Юнусов:** Хўжайин, шофёрларнинг олдида бетим қолмади. Тиланчига ўхшаб, ҳаммасидан минг-мингдан йиғиб чиқдим. Бор бўлса, сиздан аярмидим...

**Бегалиев:** Сенда инсоф йўқ экан асли. Бултур ҳам соат бешда келувдинг. Мана, бу йил соат ўн десам, саккиз ҳам қилмай келибсан.

**Юнусов:** Соат саккиз ҳам ёмон эмас-у, хўжайин, бир сафар хўп дейқолинг...

**Бегалиев:** Ҳов, сен қанақа ғалчасан ўзи! Бунинг ҳаммасини бир ўзим емайман, билдингми? Бегалиевдан нима томар экан, деб оч бўридай оғзини очиб ўтирган қанча очофат бор тепамда!

**Юнусов:** Биз томонда ҳам «чўз-чўз» кўпайиб кетди-да, хўжайин. Шу кунларда ўзим ҳам чўзилиб қолай, деб юрибман.

**Бегалиев:** Бўпти, соат ўнда эмас, бор, тўққизда кела қол.

**Юнусов:** Саккиз ярим денг, хўжайин.

**Бегалиев:** Э, мунча паст бўлмасанг, мижғов! Бор-е!

**Юнусов:** Раҳмат, раҳмат... (У чиқади).

(Бегалиев ёлғиз. У қоғозқалам олиб, ўлжани ҳисоблаб ўтирибди).

**Бегалиев:** Ҳм... Жами «34 соат» бўлибди. Чакки эмас. Ялтада 15 кун ётиб туришга етади. Гуляхонни ола кетсаммикан? Ке, қўй, унда катта чиқим бўлади. Хотин яхши. Нима олиб берсанг, кўнаверади. (Телефон жиринглайди). — Алло! Ким? Мавлонов? Қайси Мавлонов? (Бирдан бўшашиб, ўрнидан туради). — Узр, узр, Жаблон ака! Сиздай акамизни танимай ўлибманми? Лаббай? Соат нечага борай? Соат ўн бешга? Бир оғиз гапингиз. Соат йигирмага десангиз ҳам, хурсанд бўлиб борамиз-да, акажон. Хўп, хўп... (Гўшакни қўяди). Оббо! Оғзимдаги луқмани тортиб олди-я, ебтўймас! Аранг 34 соат қилувдим, унинг ярми қулоғини ушлаб кетай, деб турибди. Шуни айтар эканлар-да, мен қиламан ўттиз, эгаси қилади тўққиз, деб... (Бегалиев даста-даста пулларни ажратар экан, сўкинади). — Тешиб чиқсин! Тиқилиб ўл! Кафанлигингга ишлат илойим! Уф, сен очкўздан қачон қутуламан-а?

**Саъдулла СИЁЕВ.**

### ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Агар ёғга шакар қўшилса, пиёз яхшироқ қизаради.

* * *

Пиёзни совуқ урган бўлса, уни совуқ сувга солинг.

* * *

Иссиқ ҳолида эмас, балки совутилган нонни тўғраш жуда осон кечади.

* * *

Қуриб қолган пирог ва нонни намлаб, газ печида иситиб олсангиз, аввалгидек юмшоқ бўлади.

* * *

Намакобда ярим соат ушланган пичоқни ўткирлаш жуда осон кечади.

* * *

Буғда пиширилаётган таомнинг тайёрланиш жараёнини тезлаштириш учун сувга туз қўшиб юборинг.

**В объявлении ООО «DELTA TRADE BIZNES» об аукционных торгах, опубликованном в газете «Тошкент ҳақиқати» № 77 от 23 сентября с.г. была допущена ошибка со стороны редакции.**

**Второй абзац следует читать в следующей редакции:**

**«По решению аукционной комиссии для участия на аукционых торгах по покупке недвижимого имущества необходимо внести заклад в размере 100 % от стартовой стоимости объекта».**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 3618. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5 6